



ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНING АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДАГИ ИЛҒОР ТАЖРИБАСИГА ТАҲЛИЛИЙ НАЗАР

Юлдашев Джахонгир Хайитович

ИИВ Академияси кафедра бошлиғи,

юридик фанлар доктори, доцент

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-29>

ARTICLE INFO

Received: 11th February 2023

Accepted: 22th February 2023

Online: 23th February 2023

KEY WORDS

ABSTRACT

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятини ўйлантираётган маиший зўравонлик муаммоларига қарши курашишнинг ҳуқуқий воситалари, уларни қўллаш тартиби ва процессуал механизмлари, шунингдек содир этилаётган мазкур турдаги жиноятлар бўйича суриштирув ва терговни амалга ошириш тактика ва методикалари тўғрисидаги илғор тажрибалар ҳамда ҳуқуқий амалиёт натижаларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ўзаро алмашиш давлатлар учун муайян даражада фойдали бўлиши табиий.

Бу борада Туркия Республикасида мавжуд ижобий тажриба диққатга сазовор. Таҳлиллар кўрсатадики, ушбу давлатда аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш борасидаги норматив-ҳуқуқий база ва ҳуқуқий механизмлар яхши шаклланган. Жумладан, Туркия Республикасининг 2012 йил 8 мартдаги “Оилани муҳофаза қилиш ва аёлларга нисбатан зўравонликни олдини олиш тўғрисида”ги 6284-сон қонуни¹ мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

Қонунда маиший зўравонлик тушунчаси, турлари, аёлларга нисбатан содир этиладиган зўравонлик ҳолатларида қўлланиладиган *профилактик (превентив) ва хавфсизлик чоралари* мазмуни ёритилган.

Жумладан, Туркия қонунчилигига асосан, маиший зўравонлик ҳолати аёлларга нисбатан ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан содир этилишига қараб икки турга ажратилади, аёлларнинг жабрланиш даражасига кўра эса, улар билан ишлаш методикаларининг ўзига хослиги ҳамда уларга нисбатан қўлланиладиган профилактик ва хавфсизлик чораларининг турлари белгилаб берилади.

Туркия амалиётида тазйиқ ва зўравонликдан жабрланаётган аёллар хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва ушбу жараёнда қўлланиладиган техник усуллар (воситалар) муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, тазйиқ остидаги шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида яратилган

¹ Law No. 6284 dated 8 March 2012 to “Protect Family and Prevent Violence against Women” // Electronic resource: <http://www.lawsturkey.com/law/law-to-protect-family-and-prevent-violence-against-woman-6284> (date of access: 02.02.2023).



хавфсизлик тизимининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, унга кўра, тазйиқ ёки зўравонликдан жабрланган шахснинг чақирувига асосан ҳодиса жойига етиб келган патруль гуруҳи томонидан **махсус электрон шакл** (ҳодиса тафсилотлари ёзилувчи баённома) тўлдирилади.

Мазкур электрон шакл асосан номутахассис (юрисст бўлмаган ёки олий маълумотга эга бўлмаган) ходимнинг планшетида мавжуд бўлган электрон шакл (баённома) бўлиб, унинг тўлдирилиши билан ҳодиса натижасида юзага келаётган хавф (риск) даражаси автоматик равишда аниқланади. Хавф даражасига қараб, ходим ҳолат бўйича огоҳлантиришдан тортиб, тегишли чора кўриш бўйича раҳбариятга хулоса киритади.

Шунингдек, 2018 йилдан Туркияда **электрон браслет** хавфсизлик чораси татбиқ этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси жабрланувчи ва унга нисбатан зўравонлик содир этаётган шахсни муайян масофада ушлаб туриш ҳисобланади. Электрон браслет комиссия* тақдимномасига асосан суд қарори билан қўлланилади. Электрон браслет зўравонлик содир этаётган шахснинг қўлига тақилади, потенциал жабрланувчи эса, телефон шаклидаги GPS ускуна билан таъминланади. Браслет тақилган шахс жабрланувчига у жабр кўрадиган даражада яқинлашиш ҳуқуқига эга эмас. Унга суд томонидан кириши мумкин бўлган ҳудуд (буфер зона) доираси белгилаб берилди. Шахс белгиланган қоидаларни бузса, 10 дақиқа ичида патруль гуруҳи тегишли таъсир кўрсатади.

Ўрнатилган қоидаларга амал қилиниши таъсир чоралари юқорилиги билан кафолатланади. Масалан, қоидабузарлик дастлабки марта содир этилса 3 суткадан 10 суткага қадар, йил давомида такроран содир этилса, 15 суткадан 30 суткагача қамоқ жазоси қўлланилади. Мазкур чоралар 6 ойга қадар узлуксиз равишда татбиқ этилади (электрон браслет татбиқ этиладиган даврга).

2022 йил декабрь ҳолатига кўра, электрон мониторинг кузатувини амалга ошириш бўйича 3000 та иш материали юритувга олинган бўлиб, уларнинг 1000 таси муваффақиятли тугатилган, мазкур иш материаллари юритилган аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари қайд этилмаган ҳамда улар хавфсиз ҳолатда бўлган.

Зўравонлик ҳолатларида қўлланиладиган яна бир хавфсизлик чораси шахснинг **биографик маълумотларини ўзгартириш** ҳисобланади. Бунда, унинг идентификацион (шахсини тасдиқловчи) ҳужжатлари суд қарори асосида ўзгартирилади. Ушбу тоифадаги ишларни юритиш тартиби ёпиқ (махфий) ҳисобланади ҳамда ички тартиб-қоидалар қатъий таъминланади.

Шунингдек, аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик фактлари бўйича полицияни тезкор огоҳлантириш имконини берувчи **KADES (Kadin Destek – Аёлларни қўллаб-қувватлаш)** мобил иловаси ва ундан фойдаланиш тартиби йўлга қўйилганлиги Туркия амалиёти учун муҳим ижобий натижаларга сабаб бўлмоқда.

* *Изоҳ: Комиссия оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, полиция ва жандарма аъзоларидан иборат таркибда тузилиб, уларнинг тақдимномаси асосида суд қарори билан электрон браслет ўрнатилган шахслар ИИБ Электрон мониторинг маркази назоратига олинади. Мазкур назорат суд томонидан белгиланган муддат (бир ойдан олти ойгача) давомида амалга оширилади. Зўравонлик ҳолатларига қараб назорат муддати узайтирилиши мумкин.*



Мазкур мобилъ илова 11 та (турк, англиз, франсуз, немис, рус, испан, араб, форс, курд, ўзбек, қирғиз) тилда автоматик шаклда ишлайди. Илова телефонга ўрнатилгач, аёл жинсидаги ҳар қандай ёшдаги шахс (фуқаро, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс) паспорт серияси ва телефон рақами орқали регистрация қилиниши мумкин. Илова шахснинг жинсини верификация қилади (солиштириш йўли билан текширади) ҳамда маълумотлар тасдиқлангач ишга тушади. Полиция патрули жабрланиш факти бўйича тезкор чақирув тугмаси босилган жойга 5 дақиқа ичида етиб келади ҳамда тегишли таъсир чораларини кўради.

KADES платформаси 2018 йилда жорий этилган бўлиб, ҳозирга қадар (2022 йил декабрь ҳолатига кўра) мазкур илова фойдаланувчилар томонидан телефон аппаратларига 4.606.000 марта юкланган. Бугунги кунгача, 506.000 марта чақирув амалга оширилган бўлиб, шундан 300.000 таси реал факт ҳисобланади. KADES иловаси ишга туширилиши натижасида 353.000 та ҳуқуқбузарликнинг содир этилиши олди олинган. Ушбу илова электрон мониторинг марказига уланмаган, фавқулодда чақирув (102 каби) тизими асосида ишлайди.

Аҳамиятли жиҳати Туркия амалиётида юқоридаги электрон назорат платформаларини мувофиқлаштирувчи институционал тузилмалар фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, мазкур вазифалар Электрон мониторинг маркази зиммасига юклатилган.

Ушбу марказ ИИВ Жамоат хавфсизлиги департаменти таркибида бўлиб, унда 24 та кузатув монитори мавжуд. Мазкур марказда жами 22 нафар ходим (2 нафари жандарма, 20 нафари полициядан) 24 соатлик режимда фаолият олиб боради. Ушбу ходимлар электрон браслет тақилган шахслар томонидан мазкур қодаларига рияз этилишини назорат қилади ҳамда жабрланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади. Хусусан, браслетнинг ечилганлиги ҳақида, уни таққан шахснинг буфер (тақиқланган) зонани бузиб, жабрланувчига яқин келаётганлиги тўғрисида жабрланувчига хабар беради ва унинг қайси йўналишда ҳаракатланиши бўйича тавсиялар беради.

Умуман олганда Туркия Тажрибасини чуқур тадқиқ этиш асосида миллий тизимни такомиллаштириш юзасидан, қуйидаги муҳим жиҳатлар **таклиф этилади**:

1. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган аёллар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни жорий этиш:

– мансабдор шахслар томонидан “**иккиламчи виктимлик (secondary victimization)**”^{*} ҳолатига йўл қўйилишини олдини олиш мақсадида жавобгарлик чораларини кучайтириш;

^{*} Изоҳ: **Иккиламчи виктимлик (secondary victimization)** тазйиқ ва зўравонлик тўғрисидаги мурожаатларни асоссиз равишда рад этиш, кўриб чиқишни пайсалга солиш, мурожаатни рўйхатга олиш чораларини кўрмаслик, шунингдек мурожаат бўйича тегишли профилактик ва хавфсизлик чораларини амалга оширмаганлик натижасида юзага келувчи такрорий жабрланиш ҳолатидир.



– миллий қонунчилигимизда хавфсизлик чораси сифатида жабрланувчи аёлларнинг шахсига доир маълумотларни (шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни) ўзгартириш амалиётини йўлга қўйишни назарда тутувчи нормаларни ишлаб чиқиш;

– ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун жарима билан боғлиқ жазо чораларини бекор қилишни ҳамда маъмурий қамоқ чораларини кучайтиришни, шунингдек электрон браслет тизимини жорий этишни назарда тутувчи ҳуқуқий механизмларни яратиш;

– аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларини олдини олиш борасидаги илғор амалиётни миллий тизимга татбиқ этиш мақсадида Туркия Республикаси билан **электрон мониторинг тизими** ҳамда техник назорат усулларини жорий этиш бўйича шартномаларни имзолаш имкониятларини ўрганиш.

2. Тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларидан жабрланган аёлларга нисбатан хавфсизлик чораларини кучайтириш борасида Туркия Республикаси тажрибасини ўрганиш асосида қуйидаги чора-тадбирларни миллий тизимга татбиқ этиш имкониятларини кўриб чиқиш:

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоат хавфсизлиги департаменти Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати таркибида **Электрон мониторинг маркази** фаолиятини йўлга қўйиш;

– аёлларнинг хавфсиз ҳолатда яшашини таъминлаш мақсадида ҳимоя ордери тақдим этилган аёллар билан боғлиқ ишларда **электрон браслет** тизимини жорий этиш;

– жабрланувчи аёлларни **сўроқ қилиш тактика ва методикаси** (сўроқ қилиш қоидалари, жабрланувчининг психофизиологик ҳолатини аниқлашга қаратилган ҳаракатлар тартиби)ни яратиш ҳамда ягона шаклда татбиқ этиш бўйича **методик йўриқнома** ишлаб чиқиш;

– жабрланувчи аёллар билан ишлаш борасида етарлича амалий тажриба шакллантириш мақсадида 1 ойлик ўқув курсларини ташкил этиш;

– аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик фактлари бўйича полицияни тезкор огоҳлантириш имконини берувчи **KADES (Kadin Destek – Аёлларни қўллаб-қувватлаш)** мобил иловасига ўхшаш илова яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш имкониятларини ўрганиш.